

АНЖИР МЕВАСИНИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Л.И.Акабиров

докторант

Бухоро муҳандислик-технология институти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7077399>

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳисобланган полиз ва мева махсулотларини етиштириш бўйича жахонда ўз ўрнига эга ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги махсулотларига бўлган талаб жахоннинг бозорларида ўз ўрнига эга ва уларга бўлаётган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Январь-май ойларида қиймати 335 млн долларлик 615,6 минг тонна мева ва сабзавотлар экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг мос даври билан қараганда 44 минг тоннага кўп демақдир.

Қишлоқ хўжалиги махсулотларидан бири бўлган анжир меваси ўзининг фойдали хусусиятлари билан ҳозирги вақтда унга бўлган талаб юқори бўлиб ҳисобланади. Анжирнинг асл ватани Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлиб, кейинчалик Арабистон, Сурия, Миср ҳудудларига олиб келинган. Ҳозирда бу мева Ўрта Ер денгизи мамлакатлари, Кавказ, Қрим ҳамда Қора денгиз соҳилларида ҳам етиштирилмоқда. Анжир меваси мамлакатимизда кўплаб миқдорда етиштирилади.

Қуритилган анжир- кўплаб фойдали хусусиятларга эга. Масалан, ошкозон-ичак билан боғлиқ касалликларининг олдини олиш хусусиятига эга эканлиги. Истеъмол қилинганда тўйимлилик даражасининг юқорилиги ва таркибида инсон соғлиги учун керакли кўплаб фойдали витаминларнинг борлиги билан характерланади.

Анжир меваси жуда мазали, ифори, шакли япалоқ ноксимон кўринишга эга бўлади. Анжир мевасининг ранги қора, оқиш, яшилга монанд, сариқ, ичи тўла майда уруғдан иборат бўлади. Бу меванинг қуввати 100 г махсулотда 49 килокалорияни ташкил қилади.

Бу мазали мевани янги узилган кунда янгилигида истеъмол қилишнинг фойдаси кўпроқ. Анжир қоқи ўзининг бетакрор таъми ва шифобахшлиги билан барча учун севимли қуруқ мева бўлиб, таркибида ҳатто энг заифлашган организмни ҳам қувватлантира оладиган микромаъданлар бор.

Анжир мевасининг мамлакатимизда фарқ пишиб етилган даври август, сентябр ойлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда анжир мевасидан қуритилган анжир қоқи таёрлаш ва уни йил бўйи истеъмол қилиш организмимиз учун ҳам фойдали ҳисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Бўриев Ҳ., Жўраев Р., Алимов О. Мева-сабзавотларни сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш. Дарслик. – Тошкент: Меҳнат, 2002. – 185 б.
2. Антипов С.Т., Кретов Н.Т. Машины и аппараты пищевых производств. - М.: Высшая школа, 2001. - 231 с.